

ISSN 2181-6883

PEDAGOGIK MAHORAT


Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

№ 3 (iyun, 2018)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro, 2018

A.Ahmedov, A.Sattorov. Astronomiya kursini o'qitish uslubiyotini takomillashtirish omillari.....	168
X.Hasanova. Barkamol avlodni tarbiyalashda hozirgi zamon o'qituvchisining o'rni.....	171
TIL VA ADABIYOT, XORIJIY TILLAR	
Sh. Hayitov, X.Barotova. "Boburnoma"da tarixiy, ilmiy va badiiy talqin uyg'unligi.....	174
Z.Ahmadova. Odam alayhissalom tarixi.....	180
A.Рахмонов. Нутк маданиятини такомиллаштириш – долзарб услубий муаммо сифатида.....	183
З.Қодирова, Н. Рахимова. Чет тилларини ўқитишда мулоқот маданиятини ривожлантириш.....	186
Н.Авезова. Инглиз тили дарсларида таълим методларидан фойдаланиш самарадорлиги.....	189
M.Kahharova. Appreciated good manners in foreign and in our country.....	194
M.Niyazova. The characteristic features of some methods in teaching English.....	198
A.Sharipova. Technology of development critical thinking through reading and writing. What is "technology of teaching".....	202
D.Ahmedova. Akademik litseylarning tabiiy fanlar ta'lim yo'nalishlarida «Yordamchi so'z turkumlari. Ko'makchilarning uslubiy xususiyatlari» mavzusini o'tish tajribasi.....	207
MUSIQIY TA'LIM VA SAN'AT	
И.Моянов. Ёш авлод маънавий-маърифий тафаккурини шакллантиришда мусика санъатининг ўрни (Қорақалпоқ халқ мусикаси асосида).....	213
Т.Утебаев, А.Ережепов. Место музыкальных инструментов в развитии народной культуры каракалпаков.....	216
A.Rajabov. Sharq mutafakkirlarining cholg'u sozlari rivoji va takomillashuviga qo'shgan hissalarini.....	219
С. Дўстов, Б.Мадримов. Мусика маданияти дарсини ўтишда қўлланиладиган айрим методлар.....	223
О.Каримов. Бошланғич синф ўқувчиларининг мусикий билиш имкониятлари.....	227
J.Yarashev. Musiqiy ta'limda aksiologik yondashuv.....	230
A.Мусинова. Мис кандакорлиги санъатини ўргатиш орқали ўқувчи-ёшларни ахлокий-эстетик тарбиялаш.....	233
IQTISODIY TA'LIM VA TURIZM	
Н.Махмудов, М.Бўтабоев. Бизнес жараёнларида молиявий менежмент.....	237
М.Зарипова, М.Қўлдошев, С. Рахимова. Касб-хунар коллежи ўқувчи-ёшларида иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантириш омиллари.....	243
INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI	
D.Fayziyeva. Kompyuter grafikasi fani bo'yicha dars jarayonini tashkil etishda ta'lim texnologiyalaridan foydalanish.....	248
Ш.Рустамов. Применение статистического пакета анализа данных SPSS Statistics в психологических исследованиях на примере факторного анализа.....	252
N.Sayidova, M.Xoliqova. "Tumblr" ijtimoiy tarmog'i va undan foydalanish tartibi.....	256
JISMONIY MADANIYAT VA SPORT	
М.Ибрагимов. Футболчилар жароҳатининг олдини олиш ва профилактикаси.....	267
С.Акрамов. Футболчининг психологик тайёргарлиги.....	271
М.Ахмедов. Болалар ва ўсмирлар спортининг илмий-методик асослари.....	275
A.Ibragimov, Sh.Qurbonov. Oliy ta'lim muassasalarida innovatsion ta'lim jarayonini tashkil etishning nazariy asoslari.....	278
О.Фармонов, Ғ.Салимов. Кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбиясининг педагогик ва психологик асослари.....	281
Z.Yadgarova, Y.Fayziyev. Islom, sport va salomatlik.....	284
З.Юсупова. Она ва бола соғлигини мукаммаллаштиришда айланма ҳаракат машқларининг ўрни.....	286
А.Иноятов. Саломатлик жамғармасининг аҳамияти ҳамда физиологик кексайиш билан боғлиқ ижтимоий муаммолар.....	290
R.Shukurov. Turon yakkakurashi bilan shug'ullanuvchi talaba qizlarni musobaqa oldi psixologik tayyorlashning afzalliklari.....	294
Q.Arslonov. Milliy kurash turlari va uni o'qitish metodikasi fanini o'qitishda qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari.....	297
A.Afraimov. Спорт гимнастикаси билан шуғулланишнинг организмга таъсири.....	301
Ш.Кадыров. Этапы формирования мотивации на достижения в спорте.....	306
TADBIRLAR	
М.Ибрагимов. «Талаба спорт ҳафталиги» мусобакаси иқтидорли талабаларни каф этишнинг муҳим омил сифатида.....	310
QUTLOV	
В.В. Козлов. Великий ученый и светлый человек. Профессору В.Ф. Петренко 70 лет.....	312



Санокул ДЎСТОВ

Бухоро давлат университети мусиқа таълими кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди



Баҳром МАДРИМОВ

Бухоро давлат университети мусиқа таълими кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСИНИ ЎТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АЙРИМ МЕТОДЛАР

Мақолада мактабда мусиқа маданияти дарсини ўтишда ўқувчиларнинг мусиқий билим олиш фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи методлар тўғрисида сўз юритилади.

Таянч тушунчалар: мусиқа, мусиқий саводхонлик, мусиқа чалиш, мусиқа тинглаш, мусиқа асари, мусиқа калити, нота калити.

В статье рассказывается о действующих методах музыкальной учебной деятельности учеников в проведении уроков музыкальной культуры в школе.

Опорные понятия: музыка, музыкальная грамотность, играть на музыку, слушать музыку, музыкальное произведение, музыкальные ключи, ключи от ноты.

In article it is told about the operating methods and organizing musical educational activity of pupils in carrying out lessons of musical culture at school.

Supporting concepts: music, musical literacy to play on music, to listen to music, the piece of music, musical keys, keys from a note.

Мусиқа инсонни янги бир оламга етаклайди, ҳаётни янги жилоларда кўрсатиб, эзгу ҳис-туйғулар уйғотади ва кишини ижодий меҳнатга чорлайди. Мусиқа оҳанглари бизга олам-олам рухий озика бериш билан бирга, аклий ривожимизга, ҳар томонлама баркамол инсон бўлишимизга катта ёрдам беради. Шундай экан, мусиқа маданияти дарсида барча фаолиятлар муайян мавзу давомида ўзаро узвий боғлиқ ҳолда олиб борилиши муқаррар. Жумладан, мусиқа дарсида мусиқа саводи, мусиқа тинглаш ва уни идрок этиш, жамоа бўлиб куйлаш, чолғу асбобида чалиш каби мусиқий фаолиятлардан фойдаланиб олиб борилса, жуда яхши самара беради.

Маълумки, ўқитиш методлари ўқитувчининг иш усули бўлиб, улар ёрдамида ўқувчиларга мусиқий билим, малака ва кўникма ҳосил қилинади, ҳамда билиш қобилиятини ривожлантиришга катта йўл очилади. Шунга кўра ўқувчиларнинг мусиқа соҳасидаги мустақил фикрлаши, изланиши ва уларда ижодкорлик элементларининг фаол шаклланиши нуктаи-назаридан ўқитиш методларини бир неча гуруҳга бўлиб олиб бориш мумкин. Жумладан:

1. Ўқувчиларнинг мусиқий билим олиш фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи методлар. Бунга мусиқа асари ҳақида тушунча бериш, мусиқа асарини идрок этишни амалга оширувчи оғзаки, кўргазмали ва амалий методлардан фойдаланишни такозо этади.

2. Ўқувчиларнинг мусиқавий билими соҳасидаги билиш фаолиятини рағбатлантирувчи методларга ўқувчиларини билим олишга ундовчи турли мусиқий ўйин ва мунозаралар, уларни рағбатлантириш, танбеҳ бериш ва талаб қўйиш билан боғлиқ бўлган ишлар киритилади.

3. Мусиқани тинглаб уни идрок этиш, назарий томондан билиш фаолияти самарадорлигини ошириш ва назорат қилиш методларига эса сўроқ турлари, яъни синов, имтиҳон, коллоквиум ва ҳоказолар киритилади.

Юқорида айтилган методларнинг асосий хусусиятли томони шундан иборатки, улар уч гуруҳга, яъни оғзаки, амалий ва кўргазмали турларга бўлиниб, ҳар бири аниқ вазифани амалга оширади.

Масалан: мусиқа ўқитишнинг оғзаки усулларини олиб кўрайлик. Бу усул мусиқа маданияти дарслари жараёнида асарни ўргатишда жуда қўл келади. Чунки ўқитувчи ўқув материални тушунтиришга алоҳида эътибор бериб, ўзининг мусиқий асар ҳақида бадиий кириш сўзи билан ўқувчиларни ажойиб ва сеҳрли санъат оламига олиб киради. Асар мазмунини қизиқарли ҳикоя ёки суҳбат йўли билан тушунтириб, улар диққатини мусиқа образларига йўналтиради ва бадиий идрок этишга қаратади. Ўқитувчи тушунтириш жараёнида ўқувчиларда мавжуд бўлган мусиқий билимларга таянган ҳолда уларнинг билимини янги маълумотлар билан тўлдиради, тасаввур доирасини кенгайтиради. Асар мазмунига қараб ҳикоя, суҳбат, савол – жавоб каби усуллардан фойдаланиб ижобий натижаларга эришади. Куйида ана шулар ҳақида бир оз фикр юритамиз.

Ҳикоя ўқитувчининг мусиқа асари тўғрисидаги жонли, образли ва ҳиссий ёрқин сўзининг таъсирчанлигидан иборат. Ҳикоя, қисқа, образли ва қизиқарли бўлиб, сўз мазмунининг асосий мақсади эса ўқувчиларни асар образини бадиий тасаввур қилишга ва шу восита орқали мусиқа асарини идрок этишга эришишдан иборат бўлиши керак. Тушунарли ва образли ҳикоя ўқувчилар қалбида дарсда ўрганиладиган асарга нисбатан қизиқиш ва муҳаббат уйғотади. Масалан: ўқувчилар бугунги дарсда ўрганаётган мусиқий асарни олдин эшитган бўлсалар-да, аммо уни бадиий жиҳатдан идрок эта олмаганлиги сабабли унга эътиборсиз қараши мумкин. Бундай ҳолда ўқитувчи асарнинг мусиқий тузилмаси ҳусусидаги фикрларини образли ва қизиқарли ҳикоя қилиб вазиятини тубдан ўзгартириб юборса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳикоя усулидан дарснинг қуйидаги кўринишларида ўринли фойдаланиш мумкин:

- композиторнинг ижодий фаолиятида мавжуд бўлган қизиқарли воқеа ва лавҳаларни баён этишда:

- асарнинг яратилиш тарихини тушунтириш;
- ўқувчиларни йирик мусиқа асарлари(мусиқали драма, достон, опера, балет, сюжетли симфония ва бошқалар) билан таништириш (бунда асар мазмунини ўрганиш асосий мақсад эмас, балки ўқувчиларни асарнинг мусиқавий бадиий образига олиб кириш кўзда тутилади);
- машҳур ва атоқли кишилар ҳаётида мусиқа санъатининг ролини кўрсатиш.

Демак, ҳикоя усули орқали кенг маъно ва мазмунга эга бўлган воқеликлар очиб кўрсатилади ҳамда бу усул орқали мусиқа асари ҳақида назарий тушунчалар ҳам берилиб борилади. Ҳикоя усули сингари суҳбат ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Суҳбат биринчи навбатда ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги фаолият ҳисобланади ва ўз моҳиятига кўра ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундайди. Суҳбатнинг қизиқарли ва самарали бўлиши фақат ўқитувчининг ўқув материални юзасидан тайёргарлигига эмас, балки ўқувчиларнинг мусиқий билими, малакаси ва моҳирлик даражасига, уларнинг фаоллиги, мустақил фикрлай олиш даражасига ҳам боғлиқ. Шу боис, суҳбатни ўқувчиларнинг мусиқа ҳақидаги билим доираси ва амалий тажрибалари билан боғлаб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Суҳбат жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини кенгайтириб боришга алоҳида эътибор бериб, мусиқа ҳақидаги назарий билим доирасини янги маълумотлар билан бойитишга эришиши керак.

Эътиборли томони шундаки, суҳбат жараёнида ўқитувчи режиссёр сингари ўқувчиларнинг мушоҳада юритишини бошқариб бориб, уларни тўғри хулоса чиқаришга даъват этиши керак. Чунки суҳбат жараёнида таҳлил қилинаётган мусиқа асарининг ўзига хос мазмуний хусусиятлари, унинг мусиқий саводхонликка ундовчи жиҳатлари, ижрочилик маҳоратини ўстирувчи қирралари композиторнинг ижодий фаолиятидаги аҳамиятли ва тарбиявий томонлари ҳам қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳикоя ва суҳбат усулларининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ёрдам берувчи воситалардан яна бири амалий машғулот ҳисобланади. Амалий машғулотнинг хусусиятли томони шундаки, у мусиқа дарсининг ҳар томонлама самарали бўлишини таъминлайди. Зеро, буларга кирувчи усуллар турлича бўлиб, мусиқа таълимининг маълум бир жиҳатини, жумладан, мусиқа асарини чиройли ижро ҳамда пухта ва тушунарли бўлишини белгилайди. Масалан: ўқувчида вокал-хор малакаларини шакллантириш, чолғу асбоби жўрлигида куйлаш ҳамда ижро техникасини мукаммал бўлишида бу усул асос бўлиб хизмат қилади. Чунки вокал-хор ижролиги ҳамжиҳатликдаги мусиқий туйғуда, сезгирликни талаб қилади. Бу эса, ўқувчилар томонидан қўшиқни ижро этиш жараёнида бир-бирларини тушуниб, сезиб туришликни ва шу билан бирга ўқитувчи ижросини ҳам эшитиб бир-галликда куйлашни тақозо этади. Шунинг учун ҳар бир ўқувчининг ифодали бадиий, ижросини мукаммал бўлиши, уларнинг вокал-хор малакаларини пухта эгаллашини талаб қилинади. Ўз навбатида ўқитувчи ўқувчининг мусиқа сезгисини ҳар томонлама ривожлантириб бориши ва унинг қўшиқ

куйлашида овозини тўғри тарбиялашни ҳам унутмаслиги керак. Ўқитувчи мусика маданияти дарслари давомида ҳар бир ўқувчи билан амалий ижро орқали мумкин қадар иш олиб бориб, овоз тарбиясини тўғри йўлга қўйса, жамоавий ижрочилик сифатини яхшилашга эришади.

Мусика асарларининг шакли ва ифода воситаларини таҳлил қилишга оид ишлар ҳам амалий методлар ёрдамида амалга оширилади. Бунда мусика асарларининг тузилиши, характери ва бир-биридан фарқ қилиш томонлари ўрганилади, (масалан: мусика асарининг жанр ва шакллари, жумладан, кўшиқчилик, чолғучилик, симфония, опера, балет, дoston ва бошқалар). Шунингдек, нота ёзувини ўргатиш ва мусика саводхонлигига оид турли малакаларни шакллантиришда амалий методлар кенг қўлланилади. Чунки нота шакли, уларнинг бўлиниши, чўзимлари, ўлчови, нота чизиклари, чизикларда ноталарнинг ёзилиши, калит, альтерация белгилари, октаваларни сўз орқали ифодалаб ўқувчига тушунтириш мақсадга мувофиқ.

Масалан: биринчи синф ўқувчигарига мусика товушларининг юқорилашиб ёки пастлашиб бориши тўғрисида тушунча беришда нота чизиклари, калит ва товушларнинг чизикларда ёзилишини кўрсатувчи кўргазмали қуроллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мисол учун калит белгисини кўрсатиш учун:


Чизик бошида калит
Ноталарни ўрнатар,
У иккинчи чизикда
“Соль” товушин кўрсатар.



СОЛЬ

ёки ноталарнинг чизикларда жойлашиш тартиби:

пастдан юқorigа қараб:



юқоридан пастга қараб:





шунингдек, ноталар бўлиниши:

Нога чўзимларини
Дарсларда билиб олдик,
Бутун, ярим, бир чорак
Нимчорак, ўн олтиталик.

Бутун ногада бордир
Иккита яримталик,
Ярим ногада эса
Иккита чоракталик.

Чорак нота бўлинар
Иккита саккизталикка,
Нимчорак нота бўлса
Иккита ўн олтиталикка.



Демак, амалий усуллар таркибига кирувчи ҳар қандай кичик усулнинг дарс жараёнида қўлланилиши ўқувчининг тегишли мавзу бўйича олган билимларини тўғри шакллантиришга ва амалий жихатдан ўзи бажара олишликка ундайди. Шунинг учун ҳам бу усулларга алоҳида эътибор қаратилишини ўқитувчи унутмаслиги лозим.

Маълумки, музика маданияти дарсларининг самарадорлигини оширишда турли кўринишга эга бўлган кўргазмали қурооллардан фойдаланилади. Ҳар бир кўргазмали қуроол ўтиладиган мавзу мазмунига хос бўлиши дарсда қўйиладиган вазифаларни пухта ва чуқурроқ тушунтиришга имкон яратди. Шу боис, ўқитувчи ўқув материали юзасидан кўргазмали қурооллар ҳам тайёрлаши керак. Чунки музика ҳаракатланувчи мелодик ва гармоник товушлардан иборат бўлган санъатдир. Уни фақат эшитиш аъзолари орқали тинглаб, идрок этиш мумкин. Бунда кўриш асосий роль ўйнамайди албатта, лекин доскада ифодаланган нота ёзуви, плакат ва жадваллар, ўқитувчининг дирижёрлик ишоратлари, рақс ҳаракатлари ҳамда жонли ижроси ўқувчига музикани идрок этиш учун ёрдам беради. Чунки музика фанининг бошқа санъат турларидан фарқи шундан иборатки, дарсда кўргазмали материаллардан иккинчи даражали восита сифатида фойдаланилади. Шунинг учун ҳам музикашунос Н.А. Гроздинская “Музиканинг жонли янграши дарсда асосий кўргазма бўлиб хизмат қилади” – деб ёзади. Бу жихат кўпроқ юқори синф ўқувчилари учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Лекин иккинчи даражали деб номланувчи кўргазмали қурооллар бошланғич синфлар учун музика дарсларини ўқишда ўзгача самара беради. Ўқувчилар, айниқса, биринчи синф ўқувчилари музикаий ўқув материали билан боғлиқ масалаларни кўз билан кўриб маълум бир тасаввурга эга бўлиши осон кечади ва азарни ўрганишни енгиллаштиради.

Адабиётлар

1. Омонуллаева Д. Нота билан қуйлаймиз. – Т.: “Ўқитувчи”, 1977.
2. Шарипова Г., Нажмитдинова Ф. Ўрта (V–VII) синфларда музика маданияти дарслари учун методик қўлланма. – ТДПУ, 2001.
3. Нурматов Ҳ., Норходжаев Н., Миррахимов А. Музика: 2-синф учун дарслик. 3-нашр. Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2003. – 128 б.